

---

## ТАДБИРКОРЛАР ҚАБУЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Шаҳар ҳоқими Шукуруллохон Нисбатхонов шаҳардаги “Наврўз” ёшлар кичик саноат зонасида фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорлар билан сайёр қабул ўтказди.

Қабул давомида тадбиркорлар сектор раҳбарига асосан электр тизимида юзага келаётган узилиш ҳолатлари юзасидан мурожаат қилдилар. Шунингдек, кредит олиш, коммунал, кадастр ва бошқа масалаларда ҳам жаъми 11 нафар тадбиркорларнинг мурожаатлари тингланди.

Бу мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилган бўлса, ечими маълум вақт талаб этадиган масалалар бўйича соҳа мутасаддиларга аниқ вазифалар юклатилди.

Барча мурожаатларнинг ижроси шаҳар ҳоқимлиги томонидан назоратга олинди.

2023-08-15 20:06:10